Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
5-yanvar,
seshanba,

№ 1
(3662)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

## Янгиликлар

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Андижонда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишда ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш ва мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда ОИТС/ОИВ тарқалишининг олдини олиш, фуқароларнинг ушбу касаллик ҳақидаги тушунча ва билимини бойитиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, касалликка чалинган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мавзуларида маърузалар тингланди.

### БУХОРО ВИЛОЯТИ

Қоракўл тумани Янгибозор қишлоғидаги 30-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 852 миллион сўмдан зиёд маблағи ҳисобига мукаммал таъмирлангандан сўнг замонавий қиёфа касб этди.

Жамғарма томонидан турли спорт жиҳозлари билан таъминланган мактабда футбол, кураш, дзюдо, гандбол, волейбол, баскетбол, бадминтон, теннис каби ўндан ортиқ спорт турлари билан шуғулланувчилар учун барча қулайлик яратилган.

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Бешариқ тумани марказида замонавий "Бахт уйи" фойдаланишга топширилди. "Обод-олтиариқ севинчи" МЧЖ қурувчилари томонидан қисқа фурсатда барпо этилган 2 қаватли ушбу мажмуа ўзида миллий ва замонавий архитектура услубларини уйғунлаштирган. Бунёдкорлик ишларига 1 миллиард 125 миллион сўм сарфланди.

"Бахт уйи"нинг очилиш маросими катта тантанага айланиб кетди. Унда иштирок этганлар туман фуқаролик далолатномаларини ёзиш бўлими ва давлат нотариал идораси жойлашган мажмуада яратилган шароитларга юксак баҳо бердилар.

Қурувчилар вакили бинонинг рамзий калитини ФҲДЁ бўлими мудираси Хосиятхон Мамажоновага тақдим этгач, келин-куёвларга никоҳ гувоҳномаси топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Рафиқам Камолахон билан никоҳ ришталарини янги "Бахт уйи"да боғлаётганимдан чексиз хурсандман, — дейди Ватан ҚФЙ ҳудудидаги Шоберди қишлоғилик Сардорбек Тоштемиров. — Умид қиламанки, ушбу қутлуғ остона бешариқлик ёшлар учун бахт рамзига айланади.

Анъанага кўра, қурувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбирларимиз



*Мамлакатимизда янги йилга "Соғлом она ва бола йили" деб ном берганимизни эл-юртимиз катта мамнуният билан кутиб олгани ва кенг қўллаб-қувватлаётгани, бу қарор замирида мужассам бўлган "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ғоя халқимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нечоғлиқ ҳамоҳанг эканидан далолат беради.*

Ислом КАРИМОВ

## 2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Темур МАМАДАМИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Обод манзиллар

## Уйлар муборак

**Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва туманлари тобора чирой очиб, аҳолига хизмат кўрсатиш ва саноат объектлари, намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган турар жой бинолари ишга туширилмоқда. Элликқалъа туманида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.**

Бўстон шаҳридан 15 чақирим олисда жойлашган Гулдурсин ОФЙ ҳудудида "Гулдурсин диёри" МЧЖга қарашли 500 ўринга мўлжалланган "Орзу" тўйхонаси фойдаланишга топширилди.

— Масъулияти чекланган жамиятимиз тизимида савдо дўкони, мини-маркет ва тўртта жойда автоуловларга хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилган эди, — дейди тадбиркор Рашиджон Қабулов. — Қишлоқдошларимизнинг талаб ва таклифларини ўрганиб чиқиб, янги йил арафасида тўйхона биносини ҳам фойдаланишга топширдик.

Туманда бизнесини йўлга қўйиб бандликка кўмаклашаётган, қишлоқларда истиқомат қиладиган йигит-қизлар учун иш ўринларини ташкил этаётган Рашиджон сингари тадбиркорлар сафи кўпайиб бораётганидан барча хурсанд.

Яқинда туман халқ таълими бўлимининг биноси реконструкциядан чиқарилган эди, куни кеча Элликқалъа ОФЙда яшаётган бешта оила намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган янги уйларга кўчиб ўтишди.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Марказий ҳарбий округда

**Қиш. Изғирин шамол танани жунжиктирса-да, кўм-кўк осмонда чарақлаб турган қуёш кўнгилга енгиллик бахш этади. Дала-ўқув майдонига етиб келганимизда ҳарбий хизматчилар кўтаринки руҳда навбатдаги машғулотларни ўтказишга тайёргарлик кўришаётганига гувоҳ бўлдик.**

## «Оловли қалқон»нинг суронли овози

Мамлакатимизда «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остида қутлуғ айём — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказилаётир. Қолаверса, халқимиз ўз ҳимоячиларига катта ишонч билдириб, мазкур байрамни кўтаринки руҳда нишонлаётгани замирида чуқур маъно бор. Ҳарбий хизматчиларимиз ҳам касб байрамини улкан ютуқлар билан кутиб олиш мақсадида туну кун шарафли бурчларини ўтаб, билим ва маҳоратларини ошириб боришяпти.

Ўқув йили режасига мувофиқ Марказий ҳарбий округ дала-ўқув майдонларидан бирида Мудофаа вазирлиги тизимида ўтказилган артиллерия қўшинларининг дала-ўқув йиғинини кузатиб, яна бир бор амин бўлдикки, эртанги кунимиз ва Ватан тақдири ишончли қўлларда. Аввало, ҳар бир ҳарбий хизматчи ўз вазифасини сидқидилдан, юракдан бажаришга интилиб, топшириқни юқори даражада уддалашга ҳаракат қилаётгани, бу уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, касбига меҳри баланд эканлигидан далолатдир.

**ЮҚОРИ ТАЙЁРГАРЛИК — МУВАФФАҚИЯТ МЕЗОНИ**

...Дала-ўқув майдони. Жанговар машина ва автомобиллар бирин-кетин кириб келяпти. Ўткир чироқлардан таралаётган нур атрофни қоплаган қалин туманни ёритиб, ўзгача кўриниш намоён қилаётир. Белгиланган ҳудудга етиб келган ҳарбий хизматчилар дивизион командирларининг кўрсатмаларига мувофиқ, ўзлари учун қулай позицияларни эгаллашга киришди. Бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар тезда яшаш ва назарий машғулотлар ўтказиш учун чодирлар тиклашни бошлашди. Тўп ва жанговар машина командирлари етакчилигидаги шахсий таркиб эса техникаларни жойлаштириш учун окоплар қазишга тушди. Ҳайдовчилар техникаларни кўздан кечириб, навбатдаги машқларни бажариш учун шай ҳолга келишди.

(3).

Фахр

## Ватанни улуғлаш — энг олий бахт

**Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Эрматовга Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» ордени ҳамда Президентимиз совғаси — «Malibu» автомобилини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла намоён этиши, маҳоратини муттасил ошириб бориши, юксак маънавиятли, баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди. Бунинг натижасида, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан жисмонан соғлом, маънан етук, халқаро майдонларда Ватанимиз шон-шуҳратини улуғлашга қодир спортчилар етишиб чиқаётир.

Мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ўзининг юксак самараларини бермоқда. Президентимизнинг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2011 йил 19 январдаги «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ўзбек футболи тараққиётини янги босқичга кўтарди.

Юртимизда барча спорт турлари қатори футбол ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Футбол бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлари ва футбол академиялари фаолият кўрсатмоқда, жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий футбол стадионлари



барпо этилмоқда, мавжудлари қайта реконструкция қилинмоқда. Етук футболчиларни тарбиялаш, малакали мураббий ва ҳакамлар тайёрлашни янада кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

(2).



Эътибор зафарлар сари бошлар

>> 2



Ўзбекистонда қадр топдик

дейди косонсойлик меҳнат фахрийси Валентина Дубина

>> 3



Марсда ҳаёт бор

>> 3

Ishonch 2016-yil 5-yanvar, seshanba, № 1 (3662)



# Ватанни улуғлаш – энг олий бахт

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Ўтган йилларда ёш футболчиларимиз дунёнинг қатор давлатларида ташкил этилган жаҳон ва Осиё чемпионатларида муносиб иштирок этди.

ФИФА рефериси, машҳур ўзбек ҳакими Равшан Эрматов эришаётган натижалар бунинг яққол исботидир.

2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги мусобақаларни бошқариб келаётган Р.Эрматов футбол бўйича деярли барча нуфузли турнирларда ҳакамлик қилмоқда. Ўзбек ўғлони 2008, 2009, 2010, 2011 ва 2014 йилларда беш маротаба «Осиёнинг энг яхши ҳаками» деб эътироф этилди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда «Жаҳоннинг энг яхши ҳаками» сифатида тан олди. Мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни юқори савияда бошқариб келаётган Р.Эрматов 2013 йил якунлари бўйича ҳам дунёнинг энг кучли ҳакамлари рейтингининг юқори поғоналаридан жой олган.

Равшан Эрматовнинг 2010 йили Жанубий Африка Республикаси ва 2014 йили Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатларида кетма-кет иштирок этиши Ўзбекистон спортининг улкан ютуғи бўлди. 2010 йилги чемпионатнинг очилиш маросими ва яна тўртта учрашувни аъло даражада бошқариб, дунёга Ўзбекистон спортчиларининг салоҳияти ва қудратини намоён эта олган ўзбек ҳаками Бразилиядаги мундиалда жами тўртта учрашувни муваффақиятли бошқарди. Р.Эрматов ҳакамлик фаолияти давомида жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп — 9 учрашувни бошқариб, дунё рекордини ўрнатди. Бу билан ўзбек спортчилари ҳам дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда яна бир карра исботлади.

Равшан Эрматов Президентимиз Ислом Каримов фармонларига мувофиқ 2010 йили «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони, 2014 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Машҳур футбол ҳакими Равшан Эрматов яқинда футбол оламининг нуфузли мукофотларидан бири — «Globe Soccer Awards — 2015» совринини қўлга киритди.

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ташкил этилган маросимда «Globe Soccer Awards — 2015»нинг турли номинациялар бўйича ғолиблари тақдирланди. Мукофотнинг «Энг яхши ҳакам» йўналишида Равшан Эрматов билан бир қаторда Жунейт Чақир, Вильмар Рольдан, Хоэль Агилар, Бакари Гассама ва Норберт Хауата сингари дунёнинг энг тажрибали реферилари ҳам даъвогарлик қилганди. Нуфузли ҳайъат аъзолари совринга ўзбек ўғлонини муносиб, деб топди.

Бу мамлакатимиз спорти салоҳиятининг, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигининг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 31 декабрдаги фармонига мувофиқ мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, халқаро майдонда ўзбек футболи нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳамда ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Р.Эрматов «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» орденини ва Президентимиз совғаси — «Malibu» автомобили калитини Р.Эрматовга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев тантанали равишда топширди.

— Халқаро майдонларда Ватанимизни шарафлаш, унинг обрўси юксалишига ҳисса қўшиш — энг олий бахт, — деди Равшан Эрматов. — Нуфузли мусобақаларда ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни исботлашдек эзгу мақсадимизга етишаётганимиздан хурсандмиз. Бу Юртбошимиз раҳнамолигида спортга, спортчиларга, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Камтарона меҳнатларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлагани учун Президентимизга чексиз миннатдорлик билдираман. Бу катта ишонч янада юксак марралар сари рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси З.Низомхўжаев, Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид, Ўзбекистон халқ артисти М.Азизов ва бошқалар спортни ривожлантириш ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган улкан ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д.Назармуҳамедов иштирок этди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**
*ЎзА фотомухбири*
*Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.*

---

Янги йил шодиёналари



ЎзА сурати

**Жиззах шаҳрида «Президент арчаси» тадбири кўтаринки тарзда ташкил этилди. 29-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари ҳамда вилоятнинг шаҳар ва туманларида яшовчи чин етим болалар, эҳтиёжманд оила фарзандларига Президент совғалари топширилди. Тантанада болажонлар «Янги йилим — яхши йилим!» деб номланган маданий-маърифий кечанинг бевосита иштирокчисига айланишди. Ёшларнинг бадиий чиқишлари барчага манзур бўлди.**

## Бахтиёр болалар мамлакати

Шунингдек, вилоятнинг Форумлар майдонига ўрнатилган улкан арча атрофида болажонлар Қорбобо, Қорқиз ва севимли эртак қаҳрамонлари билан учрашиб, қизиқарли томошаларнинг гувоҳи бўлишаяпти.

— Мазкур томошаларга нафақат вилоят марказидаги, балки олис ва чекка туманларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандлари тармоқ касаба уюшмалари ташаббуси билан жалб этилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Шарофиддин Баҳриддинов. — Шу билан бирга, касаба уюшма маблағи ҳисобидан маҳаллаларда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига совғалар улашилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Андижон шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказида ташкил этилган анъанавий «Президент арчаси» байрам тадбири катта шодиёнага айланди. Тантанага эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оилалар, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фарзандлари, Болалар шаҳарчаси, «Мурувват» уйлари тарбияланувчиларидан иборат 415 нафар кичкинтой таклиф этилди. Президент совғалари болажонларга бир олам қувонч бағишлади.**

Қорбобо ва Қорқиз иштирокида «Симбанинг саргузаштлари» эртак-спектакли, жозибали куй-қўшиқлар жажжи кўнгилларга кўтаринкилик олиб кирди.

— Бугун ўзимиз севган эртаклар қаҳрамонлари билан учрашдик, — дейди Андижон шаҳридаги 30-мактаб ўқувчиси Асадбек Ғуломов. — Президент бобомиз юборган совғалар менга жудаям ёқди.

Шу куни «Президент арчаси» тантаналари Андижон шаҳридаги Гўдаклар уйи, Қўрғонтепа болалар «Мурувват» уйида ҳам катта хурсандчилик билан нишонланди.

Шунингдек, Янги йил байрамининг кўтаринки тарзда ўтишида касаба уюшмалари ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари Андижон шаҳридаги 26-махсус мактаб-интернати ҳамда уй шароитида таълим олаётган имконияти чекланган ўғил-қизлар хонадонида бўлиб, байрам совғаларини улашдилар.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Нукус шаҳрида бўлиб ўтган «Президент арчаси» тадбири болажонларда катта таассурот қолдирди. Бердақ номидаги мусиқали театрда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниёзов ўғил-қизларга Президент совғаларини топширди.**

Янги йил байрамининг кўтаринкилик билан ўтишида республика касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшди. Шу куни бирлашма мутасаддилари етакчилигидаги фаоллар гуруҳлари «Мурувват» уйлари, кам таъминланган оилалар ва Тахиатош шаҳридаги Гўдаклар уйида бўлиб, болажонларга совғалар улашишди.

Оролбўйи шаҳар ва туман марказларида «Президент арчаси» тантаналари давом этмоқда.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Кайфият улашиб

**«GM – Ўзбекистон» автомобилсозлик қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан Янги йил тантаналари ташкил этилди. Андижон шаҳридаги Чўлпон кинотеатрида 5 кун давомида ишчи-ходимлар ҳамда эҳтиёжманд оилаларнинг 6300 нафар фарзанди учун байрам томошаси намойиш этилиб, совғалар тақдим қилинди.**

— Акам билан бирга мазза қилиб байрам дастурини томоша қилдик, — дейди 6 ёшли Ботиржон. — Қорбобо совғасини олдик.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан корхона атрофида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 50 нафар фарзандига ҳам қувонч улашилди.

— Корхонада ишлаб нафақага чиққан 134 нафар фахрийнинг уйига бориб, совғалар топширдик, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари Абдупатто Юсупов. — Бу йил оналар ва болалар саломатлиги йўлидаги хайрли ишларни янада кенгайтириш ниятидамиз.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

## Чегарачилар ҳузурида

**Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Маънавият-тарғибот маркази, вилоят жоъмемасжиди, ЎзЛиДеПнинг Гулистон шаҳар кенгаши, «Камолот» ЁИҲнинг Мирзаобод туман кенгаши ҳамкорлигида иккита ҳарбий қисм командирлари ва уларнинг оилалари, аскарлар ва ёшлар иштирокида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Сўзга чиққанлар чегара сарҳадларини қўриқлаётган ҳарбийларга миннатдорлик билдиришди.

— Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги доирасида коллежлар, олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлар, ҳарбий қисмларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказишни режалаштирганмиз, — дейди Н-ҳарбий қисмнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходими Шуҳрат Қорақулов.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ушбу тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Видеомулоқот

## «Ўғлим билан фахрланамиз»

**Сирдарё вилоят ҳокимлигида касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Мудофаа бошқармаси томонидан «Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси» мавзуида видеоконференция ташкил этилди.**

Ватан ҳимоячилари куни арафасида ўтказилган ушбу видеомулоқотда Қашқадарё вилоятидан келиб, Гулистон гарнизонига қарашли ҳарбий қисмларда йигитлик бурчини ўтаётган 21 нафар аскар ота-онаси билан сўзлашиш имкониятига эга бўлди. Худди шундай имконият Қашқадарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларда ўз бурчини ўтаётган сирдарёлик йигитлар ва уларнинг ота-оналарига ҳам яратиб берилди.

Тадбирда сўзга чиққан Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ҳайдарова ва «Нуроний» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Ў.Абдиев Ватан деб номланган қўрғоннинг тинч-осойишталиги айнан аскарларимизнинг мардлиги ва садоқатига боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Шундан сўнг фарзандлари ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаётган ота-оналарга Гулистон гарнизони бошлиғининг ташаккурномаси ҳамда ташкилотчиларнинг совғалари тақдим этилди.

— Ўғлим Миразиз Ўролов ҳарбий хизматда эканига яқинда бир йил тўлади, — деди Мирсодиқ Норбоев. — Ўғлим универсал қўл жанги бўйича Жаҳон чемпиони, болаликдан спорт билан шуғулланади. Бугунги кунда Ватанимизнинг тинчлигини қўриқлашга ўз ҳиссасини қўшаётганидан фахрланамиз.

— Қашқадарё вилоятининг Қарши туманиданман. Гулистон гарнизонига қарашли ҳарбий қисмда хизмат қилаётганимга бир йил бўлиб қолди, — дейди юз-кўзидан қувонч порлаб турган Музаффар Муродов. — Бугун телекўприк орқали онажоним ва дадажоним билан кўришдик. Байрам олдидан бу видеомулоқот биз учун катта совға бўлди.

Тадбирда иштирокчилар учун «Сирдарё наволари» ансамбли хонандалари ижросида куй-қўшиқлар янгради.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

---

Маъмурият ва касаба уюшмаси ҳамкорлиги

**“Ўзбекгеофизика” АЖга қарашли “Бухоро геофизика экспедицияси” филиали вилоятдаги йирик меҳнат жамоаларидан бири. Саккиз юз нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилаётган жамоанинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси йил сайин ортиб бораётир. Жамоа асосан Бухоро, Хива ҳудудида нефт ва газга истиқболли бўлган майдонларнинг чуқур геологик тузилишини ўрганиш билан машғул. Корхонанинг кейинги йилларда қатор йирик ташкилотлар — “ТНГ”, “Лукойл”, “Петро-Альянс” компаниялари билан ҳамкорликда олиб борган ишлари юқори самара бермоқда.**

## Эътибор зафарлар сари бошлар



Албатта, фаолият тури осон эмас. Амалга ошириладиган ишлар аксарият ҳолда даштлик ва чўл ҳудудларида олиб борилади. Ёзнинг жазирамаси, қишнинг қаҳратонида ишнинг бир маромда боришини таъминлаш учун корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси мавжуд 6 та дала партияси ишчи-мутахассисларига етарли даражада иш, дам олиш, овқатланиш ва зарур тиббий хизмат кўрсатиш шароитларини яратиб қўйганлиги боис ҳар қандай мураккабликлар олди олинмоқда.

Корхонада Абдулла Расуловнинг ўз ўрни, обрў-эътибори бор. Бундан 31 йил аввал Тошкент политехника институти(ҳозирги Тошкент давлат техника университети)нинг нефт ва газ факультетини битириб тоғ инженер-геофизиги мутахассислигига эга бўлган Абдулла тез орада жамоанинг ўз кишисига айланди. Назарий ва амалий билимини уйғунлаштирган ҳолда устозлари ишончини оқлади. Мана, ўн йилдирки, у жамоада касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келаяпти.

— Ходимларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатларимиз ўзининг ижобий самарасини бераяпти, — дейди касабақўм раиси А.Расулов. — Икки томонлама имзоланган жамоа шартномамизда кенг доирадаги ғамхўрлик ўз аксини топган. Ходимлар ҳар йили корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказилади. Нафақат ходимлар манфаати, балки жамоада белгиланган вазифаларни, ҳудудда ободончилик ишларини амалга оширишда ҳам эътирофга молик натижаларга эришилмоқда.

Бизга хабар қилишларича, кейинги йилларда корхонанинг дала партияларидаги техника ва технологиялар замонавийлари билан алмаштирилмоқда. Бошқарувчи кадрлар малакаси оширилаяпти. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ўқув машғулотлари ўтказиб борилаяпти. Дала партиялари мутахассислари жиҳозланган вагон-уйлар, махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Спорт майдончалари ташкил этилган.

Жорий йилда жамоанинг 8 нафар ёш мутахассиси учун корхона томонидан замонавий уй-жойлар қуриб берилди. Олдинги йилда “Геофизика” маҳалласида қишлоқ врачлик пункти биносини қуриб фойдаланишга топширган кон қидирувчилари жорий йилда ҳудуд болажонларига “Спорт мажмуаси”ни тортиқ қилишди.

Кексаларни эъзозлаш йилидаги хайрли ишлар салмоғи катта. 30 дан ортиқ корхона фахрийларининг “Етти пир” зиёратгоҳларига сафари ташкил этилди. Ходимларнинг Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳати уюштирилди. 135 нафар ишчи-мутахассис корхона ҳисобидан “Ўзбекгеофизика” АЖга қарашли клиникада саломатлигини бепул тиклади. Эҳтиёжманд 78 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ходимлар фарзандлари учун алоҳида автобус ажратилган бўлиб, ўқувчилар мактабга, қўғирчоқ театрига, саёҳат ва спорт мусобақаларига бепул бориб келадилар. Болаларга ёзги соғломлаштириш даврида ҳам тегишли имтиёзлар мавжуд. Ишчиларнинг фарзандлари ёзги таътилда “Нефтчи” оромгоҳида дам олишади. Ушбу йўналишдаги харажатларнинг 20 фоизи ходимлар томонидан тўланса, 80 фоизи касаба уюшма қўмитаси маблағи ҳисобидан қопланаётгани диққатга сазовор.

Экспедиция жамоасида 90 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Улар муайян имтиёзларга эга. Соғлом она ва бола йилида имтиёзлар доирасини янада кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Бу эса оиласи тинч, меҳнатдан баҳраманд, эртасидан кўнгли тўқ ходимларни янги зафарлар сари чорлаши, шубҳасиз.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҚУТЛАЙМИЗ!

## «Чортоқ санаторийси» очиқ акционерлик жамияти жамоаси

Барча юртдошларимизни, шу жумладан, соҳа ходимларини 2016 йил — Соғлом она ва бола йили билан самимий муборакбод этади.

Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин.



## «Ситораи Моҳи Хоса санаторийси» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси



Соҳа ходимлари ва мамлакатимиз аҳолисини 2016 йил — Соғлом она ва бола йили билан самимий муборакбод этади.

Янги йилда халқимизга тинчлик-омонлик ва фаровонлик тилайди, Фарзандларимиз камолини кўриб юриш насиб этсин.

## «Ўзгеобурғунефтгаз» АК бошқаруви ва бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси

Мамлакатимиз аҳолиси ва соҳа ишчи-хизматчиларини 2016 йил — Соғлом она ва бола йили билан қизғин қутлайди! Давлатимиз тараққиёти ва соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган инсонларнинг эзгу тилаклари ҳамиша амалга ошсин.

Янги йил барча-барчага сиҳат-саломатлик, бахтиёр ҳаёт, шодлик ва муваффақиятлар олиб келсин. Гузал диёримиз, обод ва фаровон ҳаётимизга куз тегмасин. Дастурхонимиз тукин, хонадонимиз обод, Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо, фарзандларимиз келажаги порлоқ бўлсин!

## «Мубораккнефтгаз» МЧЖ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Ўзбекистон халқини 2016 йил — Соғлом она ва бола йили билан муборакбод этади.

Озод ва обод Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин. Янги йил хонадонингизга бахт ва омад келтирсин.

## «ЖАНУБГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Барча юртдошларимизни Янги — 2016 йил билан қизгин муборакбод этади!

Соғлом она ва бола йили барчанинг хонадонига қут-барака олиб келсин. Озод ва обод Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин.

## Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши

Барча юртдошларимизни, шу жумладан, эл-юрт равнақи йўлида фидойилик ва ташаббускорлик кўрсатаётган соҳа ходимларини 2016 йил — Соғлом она ва бола йили билан самимий қутлайди.

Янги йилда мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги барча хайрли ишларингиз бароридан келсин.

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir v.b.**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-95) 502-68-99
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** A.Qodirova
**Navbatchi:** S.Abdurahmonov
**Musahhih:** S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:30**
Topshirildi — **21:20**

1 2 4 5 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**

**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 115.
20222 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133